

ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК- ЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Файзуллаев Ферузбек Қилич ўғли

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси 3-босқич курсанти

Аннотация. Ушбу мақолада Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари тўғрисида фикр юритилган ҳамда ушбу фаолият юзасидан кўплаб тушунчаларга таъриф берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий асослари, зўравонлик, эътиқод қилиш, тинтув ўтказиш, тажовуз, норматив-ҳуқуқий ҳужжат

Мазкур мавзуда Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирлари тўғрисидаги профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий тартибни белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларнинг тизими, уларни қўллаш аҳволи таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни ҳато қилган, йўлдан адашган одамни “ёмон” деб четга суриб қўйсак, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш- бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади”¹

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чоратадбирлари, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, бошқа давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмаларининг вакиллари билан илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ҳамкорлик тартиби, асосий йўналишлари ва ўзига хос жиҳатларида намоён бўлади. Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари учун зарур назарий билим, касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишида манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий адабиётларда илгари судланган шахс ибораси ишлатилганда шахснинг илгари жиноят содир этганлиги учун суд томонидан ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат тушунилади. Жазо тайинланган айблов ҳукми кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантали маросимдаги нутқи // URL : <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 01.09.2020).

шахс ҳуқуқбузарликлар ёки жиноят содир этганда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Бу тоифадаги шахсларга нисбатан суд томонидан белгиланган жиноий жазони ўтаб бўлгандан кейинги даврда ҳам уларни турмушда ижтимоий мослаштириш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, жамият турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш мақсадида ички ишлар органлари томонидан муайян даражадаги профилактик ишлари олиб борилиши тақозо этилади².

Бироқ бугунги кунда «илгари судланган шахс» тушунчасига Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши билан муайян даражада аниқлик киритилди. Ушбу Қонунда “Илгари судланган шахс” сифатида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган (озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққанлар); судланиш аломатига кўра маъмурий назорат тўғрисидаги қонун таъсирига тушувчи, маъмурий назорат қонуни таъсири остида тушмайдиган ва маъмурий назорат остида турган шахслар, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни (ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, озодликни чеклаш, мажбурий жамоат ишлари) ўтаётган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан шартли ҳукм қўлланилган ёхуд унинг белгиланган муддат давомида шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилиги бекор қилиниб, ҳукмда тайинланган жазони ўтаган шахсларни³ илгари судланган шахслар тоифасига киритиш мумкин.

Бугунги кунда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш ваколати Ички ишлар органларининг профилактик хизматлари шу жумладан, профилактика инспекторларига юклатилган бўлиб, улар томонидан бир неча марта судланган, жазони ўташ даврида тузалиш йўлига кирмаган, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб чиққанидан кейин ҳам жиноий фаолиятини давом эттиришни мўлжаллаётган ва жамиятга зид турмуш тарзини юритувчи шахсларга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда уларнинг жиноят содир этишдаги ўзига хос усуллари, жиноий алоқалари ҳақидаги маълумотлар бўйича мутасадди хизматлар ахборотлар алмашиб туради. Бу эса профилактика инспекторларига илгари судланган шахслар томонидан жиноий фаолиятини такроран содир этилиш ҳолатларининг олдини олиш ва унинг жамиятга зид хулқ-атворида чек қўйиш ҳамда уларга

² Юридический словарь. – М., 2005. – С. 539.

³ *Изоҳ:* Агарда шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019. – 84-бет.

нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда уларга нисбатан ўз вақтида қонуний чоралар кўриш имкониятини беради. Шу мақсадда илгари судланган шахсларнинг ҳуққ-атвори, турмуш тарзи, уларнинг яшаш ва иш жойларида назорат қилиш самара беради⁴. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006 сонли қарорига, асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишиги назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизда вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробатция ҳизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг⁵ 7-моддаси «Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» деб номланиб давлат органлари, айниқса, ички ишлар органлари, хусусан профилактика хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлишга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқишлари ва уларни амалга оширишлари белгилаб ўтилган.

Жиноят протсессуал кодекси⁶ нормалари жиноят ишларини юритишнинг жиноят-протсессуал қонунларда белгиланган тартибда қонунийлигини мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, жиноят-протсессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси” фанидан дарслик. Тошкент-2015-Б-299

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 2021 йил

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.– Т., «Адолат», 2021 йил

Фойдаланилган адабиётлар

1. Юридический словарь. – М., 2005. – С. 539.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019. –84-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.”Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси” фанидан дарслик.Тошкент-2015-Б-299
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 2021 йил
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.– Т., «Адолат», 2021 йил